Янги йилингиз қутлуғ бўлсин!

Kuch – bilim va tafakkurda

Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1998 йил 30 декабрь, чоршанба | Баҳоси сотувда эркин нархда | № 98 (7094)

Da'vat

Кимки аёл ҳуқуқини ҳимоя қилса, бола ҳуқуқини ҳам ҳимоя қилган бўлади, бошқачароқ айтганда – у келажакни ҳам ҳимоя қилади.

Виктор ГЮГО

Ibrat

Қибрай туманида шу йил октябрь ойида ўз фаолиятини бошлаган «БОУ Ко., ЛТД» фирмаси дастлабки маҳсулотларидан бир қисмини қибрайлик кам таъминланган оилаларга Янги йил совғаси сифатида текинга улашди.

JUMLADA JAHON

• Ўзбекистон Республикаси Президенти «Истеъмол товарларининг айрим турларини олиб келиш ва олиб чиқиб кетишни тартибга солишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонга имзо чекди.

• Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлат-тижорат Халқ банкини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди.

• Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси «Ўзбекистон Республикасининг 1999 йилги Давлат бюджети тўғрисида» қарор қабул қилди.

• Бельгия парламенти Ўзбекистон Республикаси ва Европа Иттифоқи ўртасидаги Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги Битимни ратификация қилиш жараёнини тугаллади.

• Россия ва Белоруссия Президентлари Б. Ельцин ва А. Лукашенко Москвада Россия билан Белоруссиянинг бирлашуви тўғрисидаги сиёсий Декларацияни, Россия ва Белоруссия Иттифоқи фуқароларининг тенг ҳуқуқлари тўғрисидаги Шартномани имзоладилар.

• Туркия Президенти Сулаймон Демирэл иқтисодиёт ва савдо вазири 54 ёшли Ялим Айризга янги ҳукумат тузиш вазифасини топширди.

• Депутатлар фаолиятини исломга зид деб топган Шариат суди Чеченистон парламенти фаолиятини тўхтатди.

ИСТИҚЛОЛ ТУМОРЧАСИ

Куни кеча муҳташам «Туркистон» саройи савоб ва сахийликни жам этди. Шаҳримизнинг 800 га яқин «Меҳрибонлик уй»лари тарбияланувчиларига Президент арчаси атрофида юртбошимиз совғалари улашилди. Жажжи қалблар ҳам ушбу меҳр-мурувватдан руҳланиб, байрамга янада файз киритишди. Қорбобо ва Қорқиз эса фаол иштирок этган 21 ва 30-сонли «Меҳрибонлик уй»ларига «Маҳалла» хайрия жамғармасининг совғаларини топширди. Шундан сўнг «Президент арчаси»нинг театрлаштирилган томошалари бошланди. «Шаҳзод» гуруҳи солисти Рашид Ҳолиқов, хонанда Маъмура Курбонова ва Нодира Курбонова бошчилигидаги «Томоша» гуруҳи аъзолари болажонларга қувонч бахш этишди.

Кечада Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчилари Н. Жўраев, Т. Рисқиев, Республика бош вазири ўринбосари Ҳ. Кароматов, халқ таълими вазири Ж. Йўлдошев, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси бошлиғи Ҳ. Йўлдошев, Республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси раиси Ш. Жалилов ва бошқа меҳмонлар иштирок этишди. Тадбир сўнгида давлатимиз раҳбарининг болажонларга юборган байрам табриги ўқиб эшиттирилди. Болажонларга байрам дастурхони ёзилди. Тарбияланувчиларга халқ таълими ходимлари юртбошимиз номидан совғалар тақдим этдилар. Шубҳасиз ушбу тадбирлар юртимиз келажаги бўлмиш болажонларга бўлган эътиборнинг бир кўринишидир. Буларга Президентимиз бошчилик қилаётгани эса давлатимиз келажаги порлоқ бўлишидан далолатдир. Тарбияланувчилар эса тадбирга ўзларининг ушбу қўшиқлари билан хотима ясашди.

Юрагимиз парчаси,
Истиқлол туморчаси,
Президент арчаси
Президент арчаси...

Х. АБДУРАҲМОНОВ

Суратларда: «президент арчаси»дан лавҳалар.

Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган суратлар

Ўқитувчи ёш дафтарига

АРЧА

Денгиз сатҳидан 1200- 3500 метр баландликда ўсадиган бу ўсимлик доимий яшил бўлиб, 70 га яқин тури бор. Қадимдан арча шохларига айрим шимол халқлари гўёки ўсимлик руҳларини шод айлаб «ҳадя»лар боғлаб қўйишган. Янги йил кечаси «безанган» арча атрофида хурсандчилик, ўйин-кулги хукм сурган.

ҚОРБОБО

Янги йилнинг афсонавий асосга эга бўлган бу қаҳрамони деярли барча мамлакатларда саҳийлик, билимдонлик ва донишмандлик тимсоли сифатида талқин қилиб келинади. Айниқса, болалардаги ишонувчанлик, Қорбобонинг совғасига интиқлик улардаги янги-янги имкон қирраларини очгучи калит бўлиб келган.

ҚОРҚИЗ

Кўпгина мамлакатларда Қорқиз кириб келаётган янги йил рамзи ҳисобланади. У халқ эртаги қаҳрамонларидан бўлиб, асримиз бошларида фантастик сиймоларни саҳнага олиб чиқиш авж олган пайтда болаларнинг байрам кечаларига кириб келган.

ЯПОНЛАР БИРИНЧИ

Ер курраси янги йилни биринчи бўлиб кутиб олиш японларга насиб этади. Кунчиқар мамлакатда янги йилнинг бир куни ўтгандан сўнгина Шимолий Америкада яшовчи Женси Жорж қабиласида янги йил кириб келади.

1999 yil — AYOLLAR YILI

ТАЪТИЛ БОЛАЛАРГА ТАТИСИН 2-БЕТ

ШАРОИТ НАТИЖАНИ БЕЛГИЛАЙДИ 2-БЕТ

ЭНГ ҚУВОНЧЛИ КУН 3-БЕТ

МАЪРИФАТ МАШЪАЛЛАРИ ТАҚВИМИ 4-БЕТ

Ma`rifat gurungi

«ДИЛИМДА ГАПЛАРИМ КЎП!»

Аёлнинг кўнгил мулкига «саёҳат» айлаш, уни тинглаш ҳам аслида савоб. Чунки дунё яралибдики Аёл бор. У билан олам мунаввар лигини кимлар эътироф этмайди.

Турсуной Содиқова ўзининг минглаб мухлисларини топган Аёл! Республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази бўлим мудири Турсуной Содиқованинг сўзи кириб бормаган хонадон йўқ! Нозиктаъб дўст, фидойи, зиёли, оқила ва сариштa уй бекаси...Таърифу таҳсинларни бераверишмумкин. Лекин мингта таърифдан қаймоқдек мазали суҳбат афзал.

Муборак ойда, Янги йилнинг қутлуғ остонасида мухбиримиз шоира хузурида бўлиб, уни суҳбатга тортди. Қулфи дили очилган шоиранинг кўнглидан тўкилганлари сиз учун, азиз муаллим!

—Ҳаётда нимани яхши кўрасиз ва нималардан кўнгилсизсиз?

— Кузни ёқтираман. У энг узун фасл — ёз тугамай бошланади ва қиш ўртасигача олтинланиб туради. Унингдай одампарвар фасл йўқ. Қаро тупроқдан тортиб, дарахт учигача ризқу-рўзга айланади. Кузнинг полизлардаги, анорзор, беҳизор, узумзор ва далалардаги мевасини тингланг – фақат қанду наввот! Унинг ҳамма иши ақлли, сувлари тиниқ. Ҳатто видоси ҳам мардона – тўкилсам, оёғинг остига тўкилай дейди, хазон вужудини пойингизга тўшаб ётади..

Эшигининг тагига қум, тош тўкилган одамларни алқаб ўтаман. Ҳали том ёпаётган, девор оқлаётган, ҳали гулга қараб юрган, кетмону курак қўлидан тушмайдиганлар шарофатли кишилардир. Ҳар бир аёлнинг эркаги, ўғлони шундай бўлсин...

Ёмон кўрганим: лафзида турмайдиган одамнинг, айниқса эркакнинг дунёга келмагани яхши. Яна: қотилга қонун бор. Бахил эса ўнлаб одамларнинг юрагини ўлдиради, унга жазо йўқ! Икки қўли, икки оёғи билан ўзидан кучлиларни ерга киритиб юборамаи деб бошидан эзиб туради. Қўлоёғи етмаган жойга сўзи билан тупуради. Шармандали жойи шуки, унинг кимга бахиллик қилаётганини ҳамма кўриб туради. Бахилни Оллоҳнинг ўзи суд қилади. Ким у ниятига етмайди, косаси тўлганда синаверади, иқтидори саёзлашади, соғлиги ёмонлашади. Ҳар юмушга жонҳаҳди билан ёпишиб харакат қилса-да, самара бўлмайди. Унинг жазоси шу!

—Болалик даврингиз ҳақидаги хотираларингиз?

Болалигим Тошкент шаҳрининг Кўкмачит маҳалласида кечган. Чорсу билан Чақар оралиғида жойлашган 82-мактабда ўн йил ўқиганман... Ҳовлимиз қутидайгина эди. Баҳор келганини бўғотдаги майсадан билардик. У пайтлар шифер, тунука томлар деярли бўлмас, уйлар асосан лой билан ёпилар эди. Қиши билан томимизга баҳор келишини кутиб чиқардим. Хонадонлар бирбирига занжирдай уланиб кетган, томма-том юриб, қўшни маҳаллагача ўтса бўларди. Бирбирини етаклаган бу томлар баҳорда лолазорга айланарди. Бошингда поёни йўқ феруза осмон, оёғинг остида эса тор ҳовлилар бошига кийиб олган қизғалдоқлар! Болалигимнинг алвон рангли кенгликлари эди у. Онам мени нуқул томдан топиб тушардилар...

Яна бир гўзалликни соғиниб яшайман: у пайтлар қиз бола оти борки, сочи узунми, калтами — ёппасига дўппи кияр эди. Самандай ироқи дўппи кийган қизнинг хунуги бўлмасди. Маҳалланинг 12-13 ёшли қизлари бир ҳовлига тўпланиб дўппи тикишардик. Дўппиларимизга ипак билан байтлар битардик.. Ўша пайтнинг қизлари бошқача чиройли бўларди-да!

Кейинги йилларда болалигимнинг бир нуқтасини тез-тез эслайман: онам гоҳда бетоблашиб, ўраниб-чирманиб олсалар, тонггача юрагим увишар, ётган жойларига бир неча бор эмаклаб бориб, нафас оляптими, олмаяптими деб, қараб келардим. Бугунги болалар ундай безовта эмас...

— «Меҳр ўлчаб берилмайди» деган гап бор. Буни қандай шарҳлар эдингиз?

(Давоми 2-бетда)

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН – КУЧЛИ ЖАМИЯТ САРИ

Ватан равнақи йўлида жамиятимиздаги барча фидойи инсонлар ва соғлом фикрловчи кишиларнинг куч-қудратини, саъй-ҳаракатларини, орзу-истакларини бирлаштириш – давр тақозосидир.

Ана шу даъват мамлакатимизда юзага келган янги сиёсий куч — Фидокорлар миллий-демократик партиясининг 28 декабрь куни Тошкентда бўлиб ўтган Таъсис конференцияси иштирокчилари фикр-мулоҳазаларида қайта-қайта тилга олинди.

Делегатларнинг фикрича, Ўзбекистон бозор иқтисодиёти ислоҳотлари билан боғлиқ босқичма-босқич ислоҳотларни муваффақият билан амалга ошириб бориш баробарида, миллий анъаналар устиворлиги, умуминсоний қадриятлар тажрибаси асосида демократик-ҳуқуқий давлат барпо этиш, фуқаролик жамияти қуришдек давомли ва ўта масъулиятли жараённи бошдан кечираётган ҳозирги пайтда жамиятимиз аъзолари бу қадар залворли ҳамда кенг қўламдаги ўзгаришларнинг тарқоқ ва лоқайд томошабинлари бўлиб қолишлари мутлақо мумкин эмас.

Дарвоқе, бундай хулоса нафақат анжуман аҳлига тегишли, балки янги партиянинг жойлардаги минглаб тарафдорларига ҳам дахлдорлигини эслатиш лозим. Зотан, амалдаги қонунчилик бўйича янги сиёсий партия камида беш минг кишининг истак-хоҳиши ва имзоси асосида ташкил топиши мумкинлигини назарда тутсак, Фидокорлар миллий-демократик партияси дастлабки босқичдаёқ жойларда 7 мингдан зиёд хайрихоҳлар томонидан қўллаб-қувватланди.

Конференцияда иштирок этган қарийб 300 нафар делегатнинг 117 таси 30 ёшгача бўлган навқирон вакиллар, 22 фойизи эса хотин-қизлардан иборат эканлиги мазкур сиёсий

(Давоми 2-бетда)

Tajriba-sinov maydonchalarida

ДАСТЛАБКИ ЯКУН

Умумий ўрта таълим давлат стандарти ва ўқув дастурларини тажриба-синовдан ўтказиш бўйича Республика Комиссиясининг нав-батдаги кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда Республика Комиссиясининг аъзолари – тажриба-синов майдонларининг илмий раҳбарлари, экспертлар, шунингдек, Тошкент шаҳар ва вилоятлардаги синов мактаблари директорлари ва экспериментатор ўқитувчилар қатнашдилар.

Мажлисда давлат таълим стандарти ва ўқув дастурларининг синови юзасидан I чорак натижалари ҳамда II чоракда синов ишларининг бориши муҳокама қилинди. МажлисниРеспублика Комиссиясининг раиси, Халқ таълими вазири Ж. Йўлдошев олиб борди. Кун тартибига қўйилган масала юзасидан Т. Н. Қори-Ниёзий номидаги Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий тадқиқот институтининг директори И. Турсунов маруза қилди. У ўқув йилининг I чорагида ҳар бир ўқув фани бўйича тажриба-синов натижаларини таҳлил қилди.

Ўқув йилининг I чораги бўйича экспериментатор ўқитувчилардан олинган натижалар, тажриба-синов майдонлари илмий раҳбарларининг ҳисоботлари ва экспертларнинг хулосалари ЎзПФИТИ қошида ташкил этилган Ахборот марказида умумлаштирилиб, ҳар бир ўқув фани бўйича хулоса ҳамда таҳлилнома-жадвал тайёрланди. Хулоса ва таҳлилнома Республика Комиссиясига тақдим этилди.

Мажлисда тажриба-синов ишлари она тили (Бухоро шаҳридаги 9-мактаб), ўзбек адабиёти (Тошкент шаҳридаги 274-мактаб), давлат тили (Тошкент шаҳридаги 120-мактаб), рус тили

(Давоми 2-бетда)

Metodik tavsiyalar

ТАЪТИЛ БОЛАЛАРГА ТАТИСИН

Кўз очиб юмгунча 1998 йил ҳам охирлади. Асримизнинг сўнгги йили сурон солиб кириб келмоқда. Мактаб ўқувчилари учун эса, завқли - шавқли кунлар, яъни қишки таътил бошланди. Ҳордиқ мароқли, мазмунли уюштирилар экан, болажонларимизнинг ўқишлари, юриш-туришларида ҳам мазмун кучаяди. Ана шу мақсадда, РТМ «Маънавият ва қўшимча таълим» бўлими ўз методик тавсияларини ҳавола этади.

1999 йил муҳтарам Аёл зотига бағишланди. Бунга сабаб ахтариб ўтиришнинг ҳожати ҳам йўқ. Чунки аёл - дунё кўрки. Шу жиҳатдан олганда, таътил кунларида «Аёл ва жамият» мавзусига кўпроқ урғу қаратиш лозим бўлади. Ўқувчилар билан турли тадбирлар уюштирилиши олдидан бу мавзуга муфассал тўхталиш лозим. Бола соғ-саломат униб-ўсса, онанинг кўнгли чоғ. Ўқувчиларга онани ҳурмат қилиш ҳақида гапирилар экан, пайғамбаримизнинг «Жаннат оналар оёғи остидадур» деган пурҳикмат сўзларини, албатта, эслатиш жоиздир.

Асосий йўналишдаги тадбирлар арча атрофида уюштирилиши аниқ. Ўзбек халқ эртаклари асосида саҳна кўринишлари уюштирилиши лозим. Шу ўринда ўқувчиларга ўз отабоболари, момолари, буви-бувалари билган эртакларни оққа кўчириб келишларини тайинлаш хўп савоб ишдир. Бу ўз-ўзидан «Кимнинг эртаги мазмунли» деган саволга оқилона бир жавоб ҳам бўлар эди. «Моҳир қўллар», «Ёш рассомлар», «Ёш санъаткорлар» «Ёш китобсеварлар», қўйингки, ҳар бир туман умумтаълим мактаблари ўқувчилари орасида турли соҳаларга мўлжаллаб танловлар ўтказилиши мақсадга мувофиқдир.

Биламизки, мактабдан ташқари муассасалар ҳам қишки таътилда ўз вазифаларига эга. Янги йил байрамини ташкил этишда мавжуд тўгараклар иши янада фаоллашади. Ёш ўлкашунослар, табиатшунослар, иқтидорли ўқувчиларнинг фан тўгараклари ранг-баранг чиқишлар уюштирадилар. Истардикки, Нурота туманидаги 2-ўрта мактаб «Ориентир» туристик ўлкашунослик тўгарагидаги сингари ишлар барча жойларда амалга оширилса.

Кўнгилочар тадбирлар болалар учун. Безатилган арчанинг тафти 10 кун, ундан кейин байрамга кўрк бағишловчи бу дарахт теграсидаги шўх садолар, қийқириқ ва томошалар қандайдир аҳамиятини йўқотади. Демоқчимизки, қишки таътил жуда қисқа. Ана шу фурсат мобайнидаги таътилга мумкин қадар кўпроқ мазмун юкласак, қизиқарли ўтказишнинг йўлларини ахтарсак, нафақат байрам, балки таътил ҳам минглаб болаларимизга татиган бўларди.

М.ТУРОПОВА,
РТМ бўлим бошлиғи

(Боши 1-бетда)

(Жиззах вилояти, Зомин туманидаги 1-мактаб), математика (Хоразм вилояти Урганч шаҳридаги 16-мактаб), биология (Қашқадарё вилояти Касби туманидаги 2-мактаб), физика (Самарқанд вилояти Ургут туманидаги 34-мактаб), информатика (Наманган вилояти Наманган туманидаги 8-мактаб) ўқув фан-

ДАСТЛАБКИ ЯКУН

лари бўйича тажриба-синов ишлари юқори савияда ўтказилаётгани таъкидланди. Бу тажриба-синов майдонларида илмий раҳбарлар ва экспериментатор ўқитувчиларнинг ўз вазифаларига масъулият билан қараётганликлари ҳақида сўз юритилди. Шу билан бир қаторда айрим илмий раҳбарлар, экспертга масъул кишилар ўз вазифаларига совуққонлик билан қараётганликлари ҳақида ҳам гапирилди. Баъзи тажриба-синов майдонларида синов ишлари яхши кетаяпти, илмий раҳбарлар ва ўқитувчилар ҳам фаол ишлаяптилар. Лекин тажриба-синов натижаларини Ахборот марказига юборишда камчиликларга йўл қўйилмоқда. Мажлисда музокаралар юзасидан тажриба-синов майдонларининг илмий раҳбарлари проф. Т. Мирзаалиев, проф. А. Ғофуров, проф. Р. Толипова, экспертлар доц. С. Маҳкамов, доц. П. Мусаев, экспериментатор ўқитувчилар У. Жўраев, О. Омоно-

ва сўзга чиқиб, тажриба-синов ишларини янада такомиллаштириш юзасидан фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Вазирлар Маҳкамасининг Қарори билан ташкил этилган тажриба-синов майдонларида Давлат таълим стандарти ва ўқув дастурларининг синови юзасидан I чорак натижалари қониқарли деб топилди. Мажлисда кўтарилган муаммоларни ҳал этиш юзасидан чора-тадбирлар белгиланди.

Акбар БАҲРОМОВ,
Ахборот марказининг бошлиғи

Yangilik

БОШҚАРМА ДАРСЛИК БИЛАН ШУҒУЛЛАНАДИ

Ҳаёт дарёси ҳамиша бир меъёрда оқавермайди. Гоҳ тошади, гоҳ аксинча... Шунингдек, ижтимоий ҳаётда ҳам турли эҳтиёжлар янгича турмуш тарзини, тафаккурни тақозо этаверади.

Якунланиб бораётган йилимизнинг сўнгги кунларида Халқ таълими вазирлигида яна бир бошқарма – Дарсликлар, ўқув жиҳозлари ва мактаб ҳужжатлари бошқармаси ташкил этилди. Биз бошқармани тузишдан кўзланган асосий мақсад, унинг фаолият мезони хусусида маълумот бериш учун бошқарма бошлиғи Шомухтор ака Шомансуровга мурожаат этдик.

— «Республикада умумий ўрта таълимни ташкил этиш тўғрисида»ги Вазирлар Маҳкамасининг қарори талабларидан келиб чиққан ҳолда, умумий ўрта таълим Давлат стандартлари лойиҳаси ушбу ўқув йилидан бошлаб барча мактабларда синовдан ўтказилмоқда. Таълимни ислоҳ қилишга қаратилган ушбу қарорлар нафақат тузилмадаги ўзгаришларни, балки таълим-тарбиянинг тубдан ислоҳ қилинишни ҳам талаб қилади.

Халқ таълими вазирлиги юқоридаги талаблардан келиб чиққан ҳолда ўзининг структуравий тузилишини қайта кўриб чиқиб, гарчанд бошқарув органларида кадрлар қисқаруви жараёнлари амалга оширилаётган бир шароит бўлсада, узлуксиз таълимни ислоҳ қилишда муҳим ҳисобланган ўқув-методик таъминотни қайта шакллантириш мақсадида «Дарсликлар, ўқув жиҳозлари ва мактаб ҳужжатлари» бошқармасини ташкил қилди.

Бошқарманинг ташкил этилишидан асосий мақсад умумий ўрта таълим мактабларини 30 дан ортиқ йўналишдаги 200 дан зиёд номдаги дарслик, шунингдек, ўқув дастурлари методик ва дидактик қўлланмаларнинг янги авлодини яратиш ва нашр қилишни ҳамда республикамиздаги беш миллиондан ортиқ ўқувчиларни дарслик билан таъминлаш муаммолари билан шуғулланади.

Шунингдек, мамлакатимиз мактабларида етти йил давомидаги ўқиш-ўқитиш шароитларидан келиб чиққан ҳолда тожик, қозоқ, қирғиз, туркман, қорақалпоқ ва русийзабон ўқувчиларимиз учун мингдан ортиқ номдаги оригинал дарсликлар тайёрлаш ва нашр этиш муаммолари ҳам бошқарма олдида турган муҳим вазифалар сирасига киради.

Норали ОЧИЛОВ
ёзиб олди

Халқимизда бир йигитга қирқ ҳунар оз, деган ҳикмат бор. Урганч шаҳридаги 24- гимназиянинг 5-синф ўқувчиси Шуҳрат Султонов мана икки йилдирки, халқ амалий санъати билан қизиқиб келади. У устози Беҳзод Усмонов бошчилигида шаҳар, вилоят ва республика кўрик-танловларида ўзининг амалий ишлари билан мунтазам иштирок этиб, юқори ўринларни эгаллаб келмоқда.

Суратда: Шуҳрат Султонов ўз қўли билан ясаган ҳайкалтаройлик ишларини ўртоқларига намойиш этмоқда.

Р. АЛЬБЕКОВ олган сурат.

(Боши 1-бетда)

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ЖАМИЯТ САРИ

ҳаракат жамиятимизнинг энг кучли, кўп сонли ҳамда ўта ишончли қатламларини қамраб олишга интилаётганидан далолат беради.

Кези келганда, мамлакатимизда шу пайтгача мавжуд бўлган тўртта партиянинг жамиятимизда тутган аҳамиятини камситмаган ҳолда, бугунги кунда кўпчилик мазкур сиёсий фирқаларнинг фаолиятидан қониқмаётганлигини эслатмаслик мумкин эмас. Шундай экан, янги тузилган партия етарлича фаолият кўрсата олмаётган ана шу сиёсий ҳаракатлардан қайси жиҳатлари билан фарқланади, деган савол туғилиши табиий.

Мутахассисларнинг эътироф этишича, янги партиянинг мавжуд фирқалардан фарқли томонлари жуда кўп. Бу фарқларни, айтайлик, Фидокорлар партиясининг Дастури ва Низомида замонавийлик, аниқлик ва мукаммаллик тамойилларига тўла амал қилинганида ҳам кўрса бўлади.

Биргина мисол. Сир эмаски, аввалги партияларнинг дастурларида ҳокимият учун сиёсий кураш масаласига, ва умуман, сиёсий кураш тушунчасига ҳаддан ташқари эҳтиёткорлик ва мавҳумлик билан ёндашилгани сезилиб туради.

Фидокорлар миллий-демократик партиясининг Дастурида эса: «Кураш ҳам ҳуқуқдир. Ҳақиқат йўлида курашмоқ эса фидокорлик демакдир», деб алоҳида қайд этилган. Шу йўлда янги фирқа ўзини парламент партияси сифатида очиқ-равшан эълон қилади. Шунингдек, Фидокорлар партияси ҳокимиятига эришиш учун президент, парламент, маҳаллий давлат ҳокимияти, ўз-ўзини бошқариш идораларига сайловларда қатнашишини ҳамда ўз сиёсатини ушбу идораларда қонуний йўл билан халқ томонидан сайланган вакиллари орқали амалга оширишини маълум қилар экан, бу ишларни ўз сиёсий фаолиятининг муҳим бўғини, деб ҳисоблайди.

Келгусида ана шу янги сиёсий ҳаракат суст фаолият кўрсатаётган бошқа партиялар билан тақдирдош бўлиб қолмаслиги масаласига келсак, бу масъулият, анжуманда таъкидланганидек, мазкур фирқанинг ҳар бир аъзосига бевосита дахлдордир.

«Туркистон-пресс»

ДУБЛЯЖ САНЪАТИ НИМА?

Тошкент шаҳар Сирғали туманидаги 266-мактабда қизиқарли учрашувлар тез-тез ўтказиб турилади. Яқинда «Бари ҳазил» телекўрсатувининг муаллифи ва бошловчиси сифатида кўпчиликка таниш бўлиб қолган М. Мирзабеков иштирокидаги тадбир «Кулги кечаси»га айланиб кетган эди. Ноябрь ойи бошларида мактабга ташриф буюрган Ҳожибой Тожибоев билан учрашув ўқувчилар кайфиятига кайфият қўшди.

Куни кеча Ўзбекистон телерадиокомпанияси дубляж студиясининг бир гуруҳ ходимлари мазкур мактаб ўқувчиларининг меҳмони бўлишди. Республикада хизмат кўрсатган артистлар Афзал Рафиқов, Ҳожиакбар Нурматов, Ойбарчин Бакирова, Дилбар Исмоилова, режиссёр Баҳодир Қосимов, дубляж студияси муҳаррири Зафар Комиловларни болалар зўр ҳаяжон ва қувонч билан кутиб олишди. Ижодкорлар, санъат аҳли дилкаш ва болажон халқ. Меҳмонларнинг ўқувчилар билан суҳбати жуда самимий кечди.

Айниқса, «Морена Клара» телесериали орқали ҳаммага севимли бўлиб қолган овоз соҳиблари А. Рафиқов ва Д. Исмоиловаларнинг чиқишлари бутун зални тўлқинлантириб юборди. Улар фильм дубляжи хусусидаги кўплаб саволларга жавоб бердилар.

Кеча сўнгида меҳмонлар дубляж ишининг алоҳида санъат эканлигини тушунган ҳолда, шундай ажойиб тадбир уюштирган мактаб маъмурияти ва ўқитувчиларига, шахсан шоира З. Эгамбердиевага чуқур миннатдорчилик изҳор қилдилар.

Бу қизиқарли учрашув ўқувчиларда катта таассурот қолдирди, халққа севимли инсон бўлиш учун кўп ўқиш ва меҳнат қилиш зарурлигига яна бир бор ишонтирди.

Зулфия МАЪРУФОВА

(Боши 1-бетда)

«ДИЛИМДА ГАПЛАРИМ КЎП!»

— Оллоҳ суйган бандасини меҳрибон яратади. Бу фазилатни ўқиб, ўрганиб топмайдилар, у билан бирга туғиладилар. Бундай кишилар учун атрофга меҳр узатиш эҳтиёж ва яшаш тарзидир. Уларга йўлиққанлар бир умр бахтиёрдирлар... Яхшиликни ўлчаб бериш-таъма, яъни қайтимига қараб ҳисоб-китоб қилиш. Ҳисоб-китоб бор жойда эса меҳр йўқдир, келишув бор холос.

— Бўш вақтда нима билан овунасиз?

— Бола-чақалик аёл, айниқса, қалами бор одамнинг луғатида бўш вақт деган сўзнинг ўзи йўқ. Қўлоёғинг толиб қолгунча ўтаётган кунингдан нималарнидир ундириб қолишга ҳаракат қиласан. Ҳатто чарчаб ўтирганингда ҳам тахланиб турган ишлар юки юрагингни эзиб туради. Гоҳида бор-а дейман-да, юмушларга тескари ўгирилиб олиб, ўз-ўзимга шеър ўқиб қоламан. Сиқилиб қолсам, бичиш-тикишга тушаман. Шу тарзда кайфиятимда кенглик ясайман...

— Ҳаётингиз силлиқ кечганми ёки қоқилишлар ҳам бўлганми?

— Бу дунёдан орттирганим – пешонамнинг ғурралари-ю, юрагимнинг қадоқларидир дегим келади.

— Аёл киши учун рўзғор юритишда энг зарур хислат нима деб ўйлайсиз?

— Покизалик, тилни юмшатиш ва қаноат.

— «Эр-хотиннинг орасига аҳмоқ одам тушади», деган иборага муносабатингиз?

— Аммо эр-хотиннинг жангини ҳар куни томоша қилиб, фарзандлари-ю қўни-қўшнисининг бу хунукликка кўникиб боришини кузатиб туравериш ҳам ақлли одамнинг иши эмас! Ёмонни зарарсизлантириш ҳар бир имонли кишининг қарз юмушидир.

— Ўзбек аёлларининг бугунги мавқеига қандай баҳо берасиз?

— Бугунги аёлнинг аҳволи яхши эмас. У эркакдан бир қадам илгарилаб кетди. Ҳали кетмонга, ҳали игнага, ҳали бозор халтасини орқалаб, рўзғор юритиш дардида қолди. Эркагидан илгарилиб кетиш ўзбек аёлига ҳеч қачон роҳат бағишлаган эмас. Биз болаларимизга отасини устувор кўрсатиб, унга эргаштириб тарбия бериш билан рўзғорни бутун ушлаб келганмиз. Бугунги эркак аёли-ю боласига муносабат борасида ҳам, тирикчилик қилиш борасида ҳам суст кетди. Натижада аёлда зўриқиш пайдо бўлди. Ўқитувчи аёлми, шифокор аёлми, уй бекасими, эътибор билан қарасангиз, ҳаммаси жисмонан толиққан. Емаккиймаклари етарли бўлганлари ҳам руҳан чарчаган. Ўзбекнинг эркаги ориятли, бир сўзли, ғайратли, қўли гул, рўзғорпарвар бўлгучи эди, аслига қайтиши шарт! Ахир, оила тутиш маънавияти деярли йўқ бўлди, мухбир синглим! Эри суямаган, ўғли асрамаган аёлнинг кими бор? Аёлни асраш ҳам сиёсатдир. Ҳар галги гапимни яна айтгим келади: миллатнинг сифат белгисини аёл таъминлайди. Унинг жисмини ҳам, кайфиятини ҳам бутун асраш лозим. Умидимиз Аёллар йилидан. Кўрайлик-чи, балки биз кутган ўзгаришлар бўлиб қолар!

— Ҳозирги давр ўқитувчисининг маънавияти ҳақида нима дея оласиз?

Бугунги ўқитувчидан гинам йўқ, гарчи кўнглим тўлмаса-да! Ўзим ҳам ўттиз йил ўқитувчилик қилдим. Қўл-оёғингни рандалаб юриб бир рамкага соладилар. Аслида бош қаҳрамон, эътиборимизнинг маркази — ЎҚУВЧИ! Аммо у бир четда қолди. Ўқитувчилар тўпланиб мажлис қилаверади, қоғоз тўлдираверади, турли-туман услубий китобчалар босилаверади ва уларнинг ҳисоб-китоблари идоралар аро чир айланиб юраверади. Лекин ҳосила қандай, бундан ўқувчига не наф бўлди, дейдиган одам йўқ! Бола билан ишлашга қўясизларми, йўқми дейдиган йўқ! Изланувчан ўқитувчи ола кўринади. Уларга рағбат йўқ, ёрдам йўқ. Аксинча, «ташвиш кўпайтириб нима қиласиз» деган лўқмалар эшитади. Бизнинг кўргилигимиз ғоя, фикр берадиган кишиларни эътиборсиз қолдиришимиздир. Поғонама-поғона турган қатор бошлиқлар ўзидан кучли гап айтадиган кишини олдинга ўтказмайди. Қарабсизки, ғайрат сўнади, ҳафсала ўлади. Бу ҳолат қайда, бўлса ҳам, маорифда бўлмаслиги лозим! Мамлакатнинг эртанги камоли бугунги мактаб партасида ўтирганларнинг қўлидадир.

Ўқитувчилар йиғилган давраларда кўп мулоқотда бўламан. «Сизга касбдошман, бу соҳанинг ҳамма аччиқ-чучуги юрагимда яшайди. Келинг, бир савол-жавоб билан фикр алмашайлик, муаммоларга ечим қидирайлик», дейман ва улар ҳозир мунозарага киришиб кетсалар керак деб кутаман. Савол деб ўйлаганим аксари қоғозда «фалон шеъринги-ни ўқиб берсангиз» деб ёзилган бўлади, жуда афсус ейман. Наҳотки, уларнинг юрагида гапи йўқ? Мана сиз мухбир жонингиз билан «баъзилар мактабларда илм олиш сусайди дейишмоқда» деб ҳалак бўляпсиз. Ўқитувчиларнинг бу хотиржамлигини қандай тушуниш керак? Улар ё ўқитувчиликдан безор, ё маорифда ҳали-бери силжиш бўлишига ишонмай қўйганлар ёки мунозара қилишга маънавий қудратлари етмайди!

— Боланинг камолида мактаб ҳам, оила ҳам бирдек масъул, шундай эмасми?

— Боланинг илдизи уйида. Сиз шакл берасиз, ҳаво берасиз. Юмуқ ҳужайраларини очасиз. Биргина пардада қуйлайдиган бўлса, бир неча пардаларда хониш қиладиган эта оласиз. Аммо ҳаргиз қумрининг боласини булбулга, мусичани каптарга айлантиролмайсиз: зот бирламчидир. Оиланинг яхши тарбиясини мактаб бузиши кам учрайдиган ҳол. Аммо кўпинча мактабнинг меҳнатини оила зое кетказади. Сиз болага чандон нафис тарбия ва ишлов беринг, лекин уйида отасининг оғзидан боди кириб, шоди чиқиб турса, ёки ейдиган овқати ҳаром, яъни бировнинг ҳақи бўлса, бола қандай поклани-син! Шуни унутмаслик керакки, болага равнақ берадиган илм фақат пок баданга юқади, сингийди. Покланиш эса унинг луқмасидан, яъни оиласидандир. Тарбия борасида асосий масъулият оиланинг зиммасида.

— «Маърифат» газетасига тилакларингиз?

— Ишонаманки, муаллиллар «Маърифат» газетасини, албатта, ўқиб борадилар. Тилагим шуки, бу газета маорифчиларга нур узатиб турсин, мададкор бўлсин. Жаҳон педагогикаси тажрибалари, ўқитувчиларга касб маҳоратидан илм берадиган китоблар шарҳи, ўзимизнинг изланувчан зиёлилар ҳақида узлуксиз, қисқа-қисқа ҳикоя қиладиган рукнлар очиш керакми?! «Боланинг сирли дунёси», «Ўқитувчи ижодхонасида» номли доимий сарлавҳа остида ўқитувчилар ҳаёти ҳақида ҳангома ва ҳаётий воқеалар бериб борилса. «Ўқитувчимга мактуб» рукни эса маорифчиларни ҳам қувонтириб, ҳам ўйлантириши мумкин. Бу рукнда шогирдларнинг устозлар ҳақидаги имзоли ва имзосиз мактублари бериб борилса...

Газетангизнинг бақувват жамоаси бор. Умид қиламизки, бу нашр ижодий кучларни қовуштирувчи, илғор тажрибаларни уюштирувчи, маорифчиларга рағбат ва кайфият берувчи ҳақиқий маърифат гулшани бўлиб қолади.

Суҳбатингиз учун ташаккур!

Суҳбатдош
Ҳ. ТЎЙМАНОВА

Mehnat ta'limi

ШАРОИТ НАТИЖАНИ БЕЛГИЛАЙДИ

Бугунги кун ҳар бир ўқитувчи олдида ижодий изланиш, тажрибасини ошириш, шу асосда ўқувчиларга чуқур ва мукаммал билим бериш, уларни ҳаётга тайёрлаш вазифасини қўймоқда. Шу нуқтаи назар билан қарайдиган бўлсак, ўрта мактабларнинг меҳнат таълими ўқитувчилари зиммасига юкланган масъулият ҳам оз эмас.

Меҳнат таълими ўқитувчиси қаерда бўлмасин олий ёки ўрта махсус ўқув юртларининг ихтисослиги бўйича махсус ўқув режаси асосида тайёрланади. Албатта, бу ўқув режаси бўлажак меҳнат ўқитувчисининг ихтисослиги бўйича чуқур билимга ва меҳнат малакаларига эга бўлишини ва шу билим малакаларини ўқувчиларга беришни талаб қилади. Лекин ўқитувчи учун кўпгина имкониятлар мактабда ишлаш даврида вужудга келади ва у ўз устида ишлаб, қайта-қайта малакаларини оширган ҳолда ўз билим тажрибасини бойитиб боради.

Ўқитувчи таълим жараёнида бир-бири билан боғлиқ бўлган меҳнат таълимини мақсад ва вазифалари, мазмуни, тизимлари, дидактик тамойиллари, ташкилий шакл ва усуллари, политехник йўналишда бўлиши, касбга йўналтириш ва фанлараро боғлаш каби томонларини ҳисобга олиши шарт. Бунинг учун у, аввало, дарснинг календарь иш режасини тузиши шарт.

Кўпгина қишлоқ мактабларида меҳнат дарсларини режалаштириш берилган дастур орқали амалга оширилса, ўқитувчи кўпгина етишмовчиликларга дуч келади. Аввало, қишлоқ мактабларида шарт-шароитлар йўқлиги бунга ҳалал беради. Масалан, баъзи мактабларда шўролар давридан қолган дастгоҳлар ишга яроқсиз бўлиб, баъзиларида эса аслида устахонанинг ўзи йўқ. У ерда бирор меҳнат қуроллари топилмайди. Лекин ўқитувчидан ўқувчига пухта билим бериш билан бирга меҳнат кўникмаси ва малакаларини ошириш, ишлаб чиқаришга бўлган ҳавасини уйғотиш талаб қилинади.

Агар ўқитувчи ўзини имкониятига қараб режа тузиб, унга амал қилса, дарснинг самарадорлиги ошади ва машғулот қизиқарли бўлади. Бунинг учун, аввало, дарс профилларга ажратилиб, соатларга бўлиниб меҳнат таълими ўқитувчиларининг услуб бирлашмаларида кўриб чиқилиб, муҳокама қилинса, тузатишлар киритиб, сўнг мактаб директори томонидан тасдиқланса асосий ҳужжатга айланади.

Меҳнат таълими фақат қизиқарли дарс бўлиб қолмай, ўқувчиларни касб танлашга тайёрлаш ва ўзларидаги ижодий қобилиятларини намоён этишлари муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун мактабларда, айниқса, қишлоқ мактабларида меҳнат таълимига бошқа фанларга бўлганидек эътибор берилса, меҳнат таълими ўқитувчиси учун шароит ва имконият яратилиб, талаб кучайтирилса кўзланган мақсадга эришилиши шубҳасиздир.

Насриддин ТИЛЛАЕВ,
Музработ тумани 12-умумий ўрта таълим мактабининг меҳнат таълими ўқитувчиси

МИЛЛИЙЛИК РУҲИДА

Андижон шаҳридаги 57-«Ғунча» болалар боғчаси намунали тарбия масканларидандир. Унда 11 та гуруҳ мавжуд бўлиб, 270 нафар ўғил-қиз таълим-тарбия олаётир. Кичкинтойларга илк ёшданоқ миллий урф-одатлар, қадриятлар асосида ахлоқий, эстетик, экологик, жисмоний меҳнат тарбиялари сингдирилаётир. Жумладан, инглиз тили ҳам чуқур ўргатилмоқда.

Гуруҳларда тез-тез очиқ машғулотлар ўтказиб турилади. Яқинда бўлиб ўтган ҳосил байрами — «Меҳржон» эрталиги ота-оналар ва думбоқчаларга олам-олам қувонч бахш этди. Айниқса, Фотимахон Абдувалиева мураббийлик қилаётган тайёрлов гуруҳи тарбияланувчилари она-табиат, унинг ноз-неъматлари ҳақида шеър, қўшиқ, саҳна кўринишлари ҳамда шўх рақсларни намойиш этдилар

Ш. Келдиев

ИСЛОҲОТ — ҲАРАКАТ...

Тахтакўпир тумани Ўзбекистоннинг энг чекка ҳудудларидан бири. Бу туманда халқ таълими тизимини ислоҳ қилиш ишлари четда қолаётгани йўқми?

Йўқ, албатта. Туман марказидаги 3-ўрта мактаб физика фани бўйича тажриба-синов майдончаси қилиб белгиланган. Ислоҳотларни амалга ошириш юзасидан муайян ишлар қилинмоқда. Яқинда ушбу илмгоҳда халқ таълимини ислоҳ қилишга бағишланган семинар кенгаш ўтказилиб, унда мактаб директорлари ва ўқитувчилари қатнашдилар. Анжуманда туман халқ таълими бўлими мудири Бахтиёр Давлатмуротов, услубият хонаси мудири Ажилапас Жақсимуротовлар долзарб масалалар юзасидан маърузалар қилишди. Ўзаро савол-жавоблар эса, ислоҳот моҳиятини чуқур англашга хизмат этганлиги шубҳасиздир.

Ғойиб ЁҚУБОВ

Ta'lim fidoiylari

ЎЗ КАСБИНИНГ УСТАСИ

Тили билан дили бир одамни учратсанг вақтинг ўтганини ҳам сезмай қоласан, киши. Ижодий сафарим юзасидан Самарқанд вилояти Ургут туманида бўлганимда, туман халқ таълими бўлими мудири Исмат ака Набиев билан учрашдим. У киши «Равшан ака, ўз оёғингиз билан келибсиз, бизни жойларга нуқул ёзувчиларимиз келишади-ю, марказдан қайтишади. Сизнинг иш режангиз қанақа...» - дея сўраб қолдилар.

«Иш режа». Бу жонкуяр одамга нима десам экан. Менга синчковлик билан қараб турган мудирга «Беш бармоқ баробар эмас ака, мен ҳам қишлоқдан чиққанман, таъбир жоиз бўлса, ўша айрим ҳамкасблар бормаган узоқ қишлоқларга борсам, қишлоқ мактабларини ўқувчи, ўқитувчилари билан танишсам...»-дедим.

Фикрим мудирга маъқул бўлди шекилли, дарҳол рози бўлди. Қоратепа қишлоғига йўл олдим.

Тоғлар бағридан жой олган сўлим қишлоқлар, сойадирлардан ўтиб, Қоратепадаги кўпгина мактабларда бўлдим. Ўқувчилар ва ўқитувчилар билан қизғин суҳбат қурдим. Барчасида ўзига яраша ютуқ ва камчиликлари бор. Лекин нимагадир кўнглим тўлмагандай бўларди. Ўз қаҳрамонимни излар эдим. Ниҳоят, Облоқул Узоқов номидаги 41-мактабга бордим. Ўша мактабнинг ҳаётий фаолияти беихтиёр диққатимни ўзига жалб этди. Суҳбатдошим 46 ёшлардаги сочига оқ оралаган, кичик жуссали киши бўлди. Бу киши ушбу мактаб директори Саиджон Мажидов эди. Саиджоннинг болаликдан бирдан-бир орзуси ўқитувчи бўлиш эди. Ёш йигитнинг орзулари бирин-кетин амалга оша бошлади. Аммо, ҳаёт ўз таъсирини кўрсатди. 1974 йили Саиджон айни 2-курсда ўқиётган пайтда отаси Абдумажид ака бевақт оламдан кўз юмди. Онаси, ёлғиз укасию тўрт нафар синглиси етим қолди. Укаларини боқиш, ўқитиш керак. Бу қийинчиликларга бардош бериб, ҳаёт сўқмоқларидан уринибсуриниб, 1978 йили университетни тамомлади-да, ўзи туғилиб ўсган қадрдон қишлоғига йўлланма олди. Ишни 80-мактабда оддий ўқитувчиликдан бошлади.

Мактаб директори Наби ака Ғаниев Саиджонга устозлик қилди. Саиджондаги ўз касбига бўлган иштиёқ уни касб сўқмоқларидан секин-аста етаклаб борди. У 1994 йили ўзи ўқиган О.Узоқов номидаги мактабга илмий мудир бўлиб,бир икки йил ўтгач эса қишлоқ аҳли талабига биноан мактабга раҳбарлик қила бошлади.

Ҳаёт тўфонларида тобланган Саиджон камтарин, очиқ кўнгил, оила ва ўз манфаатидан мактабу шогирдлар манфаатини улуғ кўрувчи мураббий яна астойдил ишга киришди. Давр ўтган сари инсон ҳам шаклланиб боради. Бугунги кунда унинг шогирдлари - Саидмурод Каримов (112-мактаб раҳбари), Салимжон Жабборов (80-мактаб раҳбари), Раҳматилла Ғаниев (42-мактаб раҳбари) билан ҳам суҳбатда бўлдим. Уларни уч оғайни ботирлар деб атагим келди. Сабаби, бугунги кунда бозор иқтисодиётини рўкач қилиб, кўпгина ўқитувчилар бозорда пул топиш йўлига ўтиб кетганлиги сир эмас. Мана, шундай оғир пайтларда ҳам уч оғайни ботирлар ҳамма нарсадан ўз касбларини устун қўйиб, устозлари билан биргаликда ҳамфикр, ҳаммаслаҳат, ҳар қайсиси ўз мактабларида ташкилий, ўқув ишларини аъло даражада бажариб келмоқдалар. Улар учун муаммо йўқ. Юқоридаги раҳбарлар эшигини ложи борича тақиллатишмайди. Мактабни таъмирлаш дейсизми, ўқув қуроллари билан таъминлаш дейсизми, иқтидорли болаларга аҳамият бериш дейсизми, қўйинг-ки, барча-барча муаммолар устозу шогирдлар билан биргаликда бамаслаҳат ҳал бўлади. Шунинг учун бўлса керак, ҳар йили битирувчилардан янги-янги хушхабарлар келиб туради.

Равшан ЁРИЕВ,
жамоатчи
мухбиримиз

ЭНГ ҚУВОНЧЛИ КУН

Alifbo bayrami

Мана, 1998 йилнинг ҳам якунланишига саноқли кунлар қолди, ҳадемай янги 1999 йилни кутиб оламиз.Айниқса жажжи кичкинтойларимизнинг қувончлари чексиз, улар Қорбобо ва Қорқиз ташрифини интизорлик билан кутадилар, унинг ажойиб совғаларини олиб завқланадилар. Бундай байрамлар зиё масканларида аллақачон бошланиб кетди. Куни кеча Собир Раҳимов тумани Обид Содиқов номидаги 249 -гимназия мактабида 1-синф ўқувчиларининг саводхонлик ҳамда Янги йил байрами бўлиб ўтди. Ўқувчилар тез фурсатда лотин ёзувига асосланган алифбони равон, бурро ўзлаштирганликларини ҳар бирлари ҳарфлар орқали ифодалаб бердилар. Ўқувчиларни биринчи бўлиб Қорбобо ва Қорқиз табриклади, жажжи кичкинтойлар завқ шавқ билан ифодали қилиб шеърлар айтдилар. Айниқса мустақил Ўзбекистон Республикасининг байроғи ва гербини таърифлаб беришганда, Қорбобо уларга кўпроқ совғалар улашди. Шунингдек 1-синф раҳбари Нигора Йўлдошева қувонч билан дил сўзларини айтиб, байрамга ташриф буюрган ўқувчиларнинг отаоналарини ва мактаб жамоасини кириб келаётган янги йил билан табриклади.

Байрам охирида ўқувчилар мустақиллигимиз қувончини ўзларининг миллий рақс ва қўшиқлари билан ифодалаб бердилар. Айниқса, Президентимиз томонидан янги 1999 йил «Аёллар йили» деб эълон қилиниши ўқувчиларни ҳам бефарқ қолдирмаган. Улар ўзларининг ширин овозлари билан аллалар айтишиб кечани якунлашди. Бу кундан ҳамма мамнун бўлди.

Хуллас, кеча барчанинг қалбида чуқур таассурот қолдирди.

Саломат ҲАСАНОВА

ЯНГИ ЙИЛ ШОДИЁНАСИ

Кенг ва ёруғ хона. У рангли қоғозлардан ясалган турли-туман ўйинчоқлар билан байрамона безатилган. Хонанинг ўртасида турфа ўйинчоқларга бурканган Янги йил элчиси-арча салобат тўкиб турибди.

Ҳа, бугун пойтахтнинг Чилонзор туманидаги 534-ясли-боғча катта гуруҳининг жажжи кичкинтойлари Янги йилга бағишланган эрталик ўтказишаётир. Ширинтойлар ораста кийинган ҳолда чеҳраларида табассум билан байрам эрталиги бошланишини сабрсизлик билан кутмоқдалар. Ниҳоят, даврага бошловчи чикди.

— Ассалому алайкум, ширинлар шакар болажонлар, азиз ота-оналар, ҳурматли меҳмонлар! Сизларни яқинлашаётган янги – 1999 йил билан муборакбод этиб, бугунги байрам тантанамизни бошлаймиз. Тарбияланувчилардан Шуҳрат билан Гулчеҳра янги йилга бағишланган шеърлари билан давра иштирокчиларини қутладилар.

Шуҳрат:
Ўзбегим сўзин аввал
Ассаломдан бошлагай,
Бош эгиб дўстларга таъзим
Эҳтиромдан бошлагай.

Гулчеҳра:
Дўстлар, муборак бўлсин
Янги зафар, янги йил,
Олам қувончга тўлсин
Яйрасин бу ёш кўнгил.

Шуҳрат:
Ўзбек халқига одат
Аввало бермоқ салом
Шунинг учун чин дилдан
Дейилар сизга: ассалом.

Гулчеҳра:
Бугун байрам, тантана
Байрамингиз муборак
Азиз боғча опалар,
Тантанангиз муборак.

Чеҳраларида қувонч, қалбларида севинч ила ўғил-қизлар бирин-кетин даврага ташриф буюришди. Улар арча атрофида доира шаклида туриб, «Лайлак қор» ашуласини хор бўлиб ижро этдилар. Қўшиқ тугагач, залда ўтирганлар ёш ҳаваскорларни қарсак чалиб олқишладилар. Шундан сўнг дилбандлар «Ур тўқмоқ» эртагини саҳналаштирдилар. Жужуқлар кампир, чол, лайлак, тўқмоқ ва икки безори образларини чунонам ўхшатиб ижро этдиларки, асти қўяверинг.

Болалар даврада Қорбобо йўқлигини эслаб уни чақиришди. Бироздан сўнг узун, оппоқ соқолли Қорбобо (Қорбобо ролида гуруҳ тарбияланувчисининг отаси Насриддин Ҳайдаров) ҳассасини тўқиллатиб даврага ташриф буюрди.

— Ассалому алайкум, менинг жажжи набираларим! Янги – 1999 йилингиз қутлуғ бўлсин, азизларим. Янги йил барчангизга омад олиб келсин. И-е, болалар, арчанинг чироғи ёнмабди-ку!

Қорбобо арча атрофини уч марта айланди-да, ҳассаси билан уриб, арча чироғини ёқди. Болажонлар қувончларидан «урра» деб бақириб юборишди. Сўнгра, болалар Қорбобо билан ҳамкорликда «Давра» қўшиғини куйлашди, «Музлатаман», «Қўлқоп» сингари ҳаракатли ўйинларни ижро этишди. Шу пайт Қорбобо жуда ҳам исиб кетди. Бир зумда Қорпарчалар пайдо бўлиб, ўйин орқали шамол қилиб «лоҳас» бўлган Қорбобони совутдилар. Шундан сўнг Қорбобо ухлаб қолди.

Бошловчи: Вой, болалар, Қорбобомиз ухлаб қолибдику.

Шу пайт саккиз нафар масхарабоз шақилдоғини шиқиллатиб келиб, Қорбобони уйғотиб, ўзлари доира шаклида ўтириб олдилар.

— Нимага ўтириб олдиларинг, — деди Қорбобо ва бирма-бир уларни турғаза бошлади. — Қизиқ, бирини турғазса, иккинчиси ўтириб олаяпти. Қани туринглар! Айтганимни қилмайсизларми?

— Йўқ, — баравар жавоб беришди масхарабозлар.

— Бўлмаса, қалпоқчаларингни ечиб арчанинг тагига қўйинглар. Қани, қопни олиб кел-чи, уларни ҳозироқ ўрмонга ташлаб келаман. – деди Қорбобо.

Бошловчи таги тешик қоп олиб келди.

—Қани, қопга тушинглар, — деди Қорбобо. Масхарабозларни қопга биттадан солиши билан улар қопнинг тагидан чиқиб кетавердилар. Ҳамма масхарабозни қопга солгандан кейин қараса, қопда ҳеч ким йўқ. Нарироқда шақилдоқларини шиқиллатиб масхарабозлар ўтиришибди. Қорбобо уларни тутиб оламан деган эди, жойларига ўтириб олдилар.

— Болаларим, ҳозир қизиқ бир мўъжиза кўрсатаман, — деди Қорбобо. – Мана бу ажойиб қўғирчоқларни (қизалоқлар ижросида) кўряпсизларми? Улар кўз ўнгимизда жонланиб, чиройли рақсга тушадилар.

Ҳақиқатан ҳам ҳассаси билан ҳар бирини туртиб қўйган эди, улар қимирлаб «Қўғирчоқ» рақсини ижро этдилар.

— Энди, азиз болажонлар, мен сизларга топишмоқ айтаман, сизлар топасизлар, маъқулми?—деди.

— Ҳа, — жавоб беришди дўмбоқчалар.

—Аёз бобо новвот сотди, олган эдим, қўлим қотди.

— Муз, — деди Лобар.

—Осондир уни топмоқ
Юнги юмшоқ, қулоғи узун.
Ейишади карам, сабзи.
Қани, топинглар, ким ўзи?

— Қуён, — деди Дониёр.

Қорбобо дам олиб ўтирган эди, ширинтойлар инглиз тилида «Мушук ва унинг уч боласи» номли саҳна асарини намойиш қилдилар. «Шодликка тўлди», «Келди янги йил», «Янги йил», «Арча» ҳақида шеърлар айтдилар. Шунингдек аския, фольклор ўйини, тез айтишларда ҳам бийрон тилли кенжатойлар бўш келмадилар.

Шундан сўнг Қорбобо болаларга Янги йил совғаларини топширди.

Бошловчи: Қимматли болажонлар, қадрли отаоналар, шу билан Янги йилга бағишланган эрталигимиз ниҳоясига етди. Сизларга сиҳат-саломатлик, омад ёр бўлсин!

Қорбобо: — Янги йилда учрашгунча хайр, азизларим. 1999 йил – Аёллар йили ҳаммангизга тинчлик, бахт-саодат келтирсин!

Ҳа, мактабгача таълим муассасасининг мусиқа раҳбари Ирода Маликова ҳамда тарбиячилардан Шоҳида Раҳимова, Дилдора Розиқова бошчилигида ўтказилган Янги йил шодиёнаси ана шундай қизиқарли ва мазмунли ўтди.

Дилбар ХЎЖАЕВА

Суратқаш Равиль Альбеков тасвирга тушириган ушбу суратларда жажжи ширинтойлар гулшанида янги йилга бағишлаб ўтказилган эрталикдан лавҳалар акс эттирилган.

Bolalar bog'chalarida

Bilasizmi?

БАРЧАСИ АЁЛЛАР ҲАҚИДА

Дунёда энг узун бўйли аёл хитойлик Зенг Жинман бўлиб, унинг бўйи 2 метру 47 см экан.

* * *

Паканалик бўйича рекорд ўрнатган аёл эса, голландиялик Полин Масгерс бўлиб, бўйи атиги 59 см. га тенг.

* * *

Америкалик Перси Уошингтон энг вазни оғир аёллардан бўлиб, у тахминан 399,1 кг тош босади.

* * *

Худо бераман деса, қўш қўллаб беради, деганлари рост бўлса керак. Бразилияда «бахтли» ота-оналар бира тўла 10 та фарзандга эга бўлишиб, дунё бўйича рекорд ўрнатишибди. Бахтни қарангки, уларнинг 8 таси қиз ва иккитаси ўғил экан.

* * *

Касалхонага боргулик қилмасин экан...

Бечора Гертруде Левандовски 1951 йил 8 февралда жарроҳлар қўлида энг узоққа чўзилган операция, яъни 96 соат ҳаёт-мамот билан олишибди.

* * *

Қадди расолик ҳам шуҳрат олиб келар экан. XX асрда энг хипча беллилардан ҳисобланган француз актрисаси Полер /1881-1939/ ва Питтербороликлик Гренджерларнинг (1905-1982) бели 33 см экан.

О. КАЖАНОВА
тайёрлади

ҚИШКИ ЛУТФ

* * *

Қўри сўнган ўчоқ чўғлари
каби бир-бир чироқлар ўчар.
Юзга тортиб оппоқ кўрпани
тим-тирс ухлар ҳориган кўча.
Очиқ кўкда совуқ йилтирар
яхлаб қолган қор учқунлари.
Ханжар мисол жаранглаб турар
дов-дарахтлар титраб тунлари.

Саъдулла ҲАКИМ

* * *

Қишнинг,Янги йилнинг баъзи дамлари
Кумуш учқунларга байрамдир гулгун.
Нурли бир тенгликнинг гўё самари
Борлиққа қор бўлур либоси мавзун.
Бу қорнинг учқуни аммо бежоғлик
Жажжи Галактика расмига ўхшар.
Олис дунёларга қуёшким боғлиқ
Қишнинг қалбида ҳам бор бирон хабар...

Омон МАТЖОН

* * *

Ҳар Янги йил кирар экан жомсўз айтгали
Қадаҳига ҳар ким маҳзун бир зум тикилар.
Жомсўз асли бир баҳона, ортга қайтгали
Шу лаҳзада юрак эзгин, юрак тўкилар.

Ҳалима ХУДОЙБЕРДИЕВА

* * *

Бесамар лаҳзалар қийнаган пайти,
Қайрилиб қарайман, ортимда из йўқ.
Йилларни оралаб кетяпман дайдиб
Мисоли шунчаки узилган бир ўқ!

Равшан ФАЙЗ

* * *

Қуёш нурларидан товланиб минг бор,
Серҳашам гиламдай ётар оппоқ қор,
Чексиз мовий осмон остида кўркам,
Қорайиб кўринар шаффоф бир ўрмон,
Ям-яшил арчалар унда бепоён,
Музларнинг тагида ярқирар сув ҳам.

ПУШКИН

ЭШИТГАНМИСИЗ...

Японларнинг Янги йилни кутиб олишлари қизиқ экан. Улар эски йилнинг сўнгги куни барча идишларидаги сувларини тўкиб ташлаб, янги сув билан тўлғазишар экан. Бу уларнинг эски гуноҳларини «ювиш» рамзи эмиш.

* * *

Россияда арча безатиш махсус фармон билан жорий қилинган экан. Яъни Петр I 1700 йил 1 январь куни барча уйларда арча ясатишга қарор қилган.

* * *

Биз Янги йилни қорсиз, ям-яшил арчасиз тасаввур қила олмаймиз. Вьетнамликлар эса Янги йилни шафтолисиз «ҳазм» қила олмас экан. Улар бу байрамда арча эмас, шафтоли шохларини безатишар экан.

* * *

Болгарларнинг Янги йилни кутиб олишлари фақат болгарларгина хос усулда кечади. Билишимизча, улар кузатаётган йилининг сўнгги дақиқаларида чироқларини уч минут ўчириб қўйишар экан.

* * *

Айтишларича, мўғулларда Янги йил кечаси чўпон қиёфасида Қорбобо кириб келади. У хонадонлардаги ўчоқларга ўз қўли билан олов ёқиб беради. Бу – одамларга бахт улашиш рамзи ҳисобланар экан.



ТЕСТ — КРОССВОРД

Азиз муштарий! Қуйидаги ҳар бир рақамдан кейин берилган сўзлардан шундай бирини танлаб олиб шаклга рақамли хонадан ёзинг-ки, ундан кроссворд ҳосил бўлсин. Бунда янги йилга оид айрим сўзлар очқич вазифасини бажаради.

1. Қайроқи — Қорбобо — қаламча — қуюшқон.
2. Боботоғ — бинокор — баҳодир — бўтакўз.
3. Савағич — сихмола — саратон — сибизға.
4. Матбуот — манзара — мукофот — мушоира.
5. Соатсоз — силсила — сардоба — сунбула.
6. Давомат — душанба — дарвоза — дастхат.
7. Радикал — реактор — рубидий — риёзиёт.
8. Газлама — гулбеор — гармсел — ганчкор.
9. Қоракўл — қурилиш — қарағай — қатлама.
10. Павидло — пайванд — посанчи — помидор.
11. Балоғат — башорат — бойўғли — банорас.
12. Ҳамарий — қорамуғ — қоқирим — қарқара.
13. Ваколат — вафодор — ванадий — водород.
14. Сувоқчи — сиёҳдон — садоқат — сукунат.
15. Армуғон — антенна — агроном — атиргул.
16. Отқулоқ — отчопар — олабуға — обжувоз.
17. Панжара — пародия — портрет — пойтахт.
18. Салобат — сафойил — сайргоҳ — сешанба.
19. Автомат — арғумоқ — адабиёт — адвокат.
20. Агрегат — ахборот — автобус — анжуман.
21. Манфаат — малоҳат — муомала — муаллим.
22. Намойиш — назария — насиҳат — нилуфар.
23. Созанда — сихмола — сиртлон — сегмент.
24. Шаршара — шоколад — шафтоли — шеърият.
25. Нишолда — нақарот — надомат — нашвати.
26. Раққоса — ротатор — резавор — расамад.
27. Новелла — назокат — наботот — нафосат.
28. Пазанда — пианино — парвона — папирус.
29. Ҳарорат — ҳисобот — ҳужайра — ҳуррият.
30. Шаҳодат — шудринг — шодиёна — шифокор.

Фозилжон ОРИПОВ тузди

Мактабгача таълим ходимларининг малакасини ошириш бўйича доимий ишлаб турувчи Республика курси 1999 йил январь ойида қуйидаги курсларни режалаштирди. Уларга мактабгача таълим муассасаларининг қуйидаги раҳбар ходимлари таклиф этилади:

1. Мактабгача таълим муассасалари мудиралари: 4-30 январь.
2. Мактабгача таълим муассасалари услубчилари: 4-30 январь.

ҚИСҚА МУДДАТЛИ КУРСЛАР:

1. Болалар боғчасининг мусиқа раҳбари: 4 – 12 январь.
2. Болалар боғчасининг психологлари: 4 –12 январь.

Курсга келган тингловчилар бепул ётоқхона билан таъминланадилар. Йўл харажатлари ва суткалик ҳақлари курс ҳисобидан тўланади. Санаторий - профилакторийга курс тингловчилари 4-6 январь кунлари курорт карталари билан қабул қилинади.

Манзилимиз:
Тошкент ш. Талабалар шаҳарчаси. Саидов 6.
Телефонлар: 46-98-04.
Автобуслар: 28,34, 87,76.

Узбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими Маркази жамоаси Ўқув адабиётлар нашрини режалаштириш, нашр ва таъминот бўлими бошлиғи Сапарбой БОБОЖОНОВга отаси **Отабой БОБОЖОНОВ** вафоти муносабати билан таъзия изҳор қилади.

ИЗЛАНУВЧАН ЎҚИТУВЧИ



Шуҳрат МИРХОНОВ,
Бухоро вилояти Пешку туманидаги 14 - мактабнинг чизмачилик ва тасвирий санъат фани ўқитувчиси.

YANVAR

D		4	11	18	25
S		5	12	19	26
Ch		6	13	20	27
P		7	14	21	28
J	**1**	8	15	22	29
Sh	2	9	16	23	30
Ya	**3**	**10**	**17**	**24**	**31**

ЭНГ ФИДОИЙ ЎҚИТУВЧИ

Роҳатой САИДОВА,
Хоразм вилояти Боғот туманидаги 7 - мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси.

FEVRAL

D	1	8	15	22
S	2	9	16	23
Ch	3	10	17	24
P	4	11	18	25
J	5	12	19	26
Sh	6	13	20	27
Ya	**7**	**14**	**21**	**28**

ЭНГ ЗУККО ЎҚИТУВЧИ

Рисолат ҲОТАМОВА,
Фарғона вилояти Марғилон шаҳридаги 14 - мактабнинг математика фани муаллимаси.

MART

D	1	**8**	15	22	29
S	2	9	16	23	30
Ch	3	10	17	24	31
P	4	11	18	25	
J	5	12	19	26	
Sh	6	13	20	27	
Ya	**7**	**14**	**21**	**28**	

ЭНГ ЖОЗИБАЛИ ЎҚИТУВЧИ

APREL

D	5	12	19	26
S	6	13	20	27
Ch	7	14	21	28
P	1 8	15	22	29
J	2 9	16	23	30
Sh	3 10	17	24	
Ya	**4 11**	**18**	**25**	

Гулчеҳра МАМАНБОЕВА,
Сирдарё вилояти Гулистон шаҳридаги хорижий тиллар лицейининг ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчиси.

БУНЁДКОР ЎҚИТУВЧИ

Бибисора ҲАСАНОВА,
Тошкент шаҳар Яккасарой туманидаги 319 - мактабнинг тарих фани ўқитувчиси.

ЭНГ ЁШ ИЖОДКОР ЎҚИТУВЧИ

MAY

D	3	10	17	24	31
S	4	11	18	25	
Ch	5	12	19	26	
P	6	13	20	27	
J	7	14	21	28	
Sh	1 8	15	22	29	
Ya	**2 9**	**16**	**23**	**30**	

Зумрад НИЁЗОВА,
Навоий вилояти Навоий шаҳридаги 17 - мактабнинг ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчиси.

ТАШАББУСКОР ЎҚИТУВЧИ

Ҳабиба ОРИПОВА,
Қашқадарё вилояти Яккабоғ туманидаги 1-лицей-интернатнинг тарих фани муаллимаси.

IYUN

D	7	14	21	28
S	1 8	15	22	29
Ch	2 9	16	23	30
P	3 10	17	24	
J	4 11	18	25	
Sh	5 12	19	26	
Ya	**6 13**	**20**	**27**	

Ma'rifat
МАШЪАЛЛАРИ ТАҚВИМИ
1999
«ЙИЛ ЎҚИТУВЧИСИ — 98»
кўрик-танлови ғолиблари

БОЛАЛАРНИНГ СУЮКЛИ ЎҚИТУВЧИСИ

Мунаввар КАРИМОВА,
Самарқанд вилояти Каттақўрғон шаҳридаги 17 - гимназиянинг бошланғич синф ўқитувчиси.

IYUL

D	5	12	19	26
S	6	13	20	27
Ch	7	14	21	28
P	1 8	15	22	29
J	2 9	16	23	30
Sh	3 10	17	24	31
Ya	**4 11**	**18**	**25**	

ШИРИНСУХАН ЎҚИТУВЧИ

AVGUST

D	2	9	16	23	30
S	3	10	17	24	31
Ch	4	11	18	25	
P	5	12	19	26	
J	6	13	20	27	
Sh	7	14	21	28	
Ya	**1 8**	**15**	**22**	**29**	

Маърифатхон ЖАҲОНГИРОВА,
Андижон вилояти Марҳамат туманидаги 31 - лицейнинг ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчиси.

ШЕЪРИЯТ ШАЙДОСИ

Рустам ХУДОЙБЕРГАНОВ,
Қорақалпоғистон Республикаси Беруний туманидаги 38 - мактабнинг ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчиси.

МАТОНАТЛИ ЎҚИТУВЧИ

SENTABR

D	6	13	20	27
S	7	14	21	28
Ch	**1** 8	15	22	29
P	2 9	16	23	30
J	3 10	17	24	
Sh	4 11	18	25	
Ya	**5 12**	**19**	**26**	

Мунаввар ҲАМИДОВА,
Тошкент вилояти Пискент туманидаги 7 - лицейнинг ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчиси.

ГЎЗАЛЛИК ШАЙДОСИ

Чашминиса АБДУЛЛАЕВА,
Наманган вилояти Чуст туманидаги 1 - мактабнинг ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчиси.

OKTABR

D		4	11	18	25
S		5	12	19	26
Ch		6	13	20	27
P		7	14	21	28
J	**1**	8	15	22	29
Sh	2	9	16	23	30
Ya	**3**	**10**	**17**	**24**	**31**

МАҲОРАТЛИ ЎҚИТУВЧИ

Шарофат ЭРМАНОВА,
Жиззах вилояти Пахтакор туманидаги 1 - мактабнинг ўзбек тили ва адабиёти фани муаллимаси.

NOYABR

D	1	8	15	22	29
S	2	9	16	23	30
Ch	3	10	17	24	
P	4	11	18	25	
J	5	12	19	26	
Sh	6	13	20	27	
Ya	**7**	**14**	**21**	**28**	

МЎЪЖИЗАКОР ЎҚИТУВЧИ

Насиба ҚОДИРОВА
Сурхондарё вилояти Термиз шаҳридаги 2 - мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси.

DEKABR

D		6	13	20	27
S		7	14	21	28
Ch	1	**8**	15	22	29
P	2	9	16	23	30
J	3	10	17	24	31
Sh	4	11	18	25	
Ya	**5**	**12**	**19**	**26**	

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.

Бош муҳаррир
Ҳалим САИДОВ

Таҳрир ҳайъати: Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ (масъул котиб), Шукур ЖОНБОЕВ, Гулчеҳра ПАРПИЕВА, Нўъмонжон РАҲИМЖОНОВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Йўлдош САИДЖОНОВ, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Рақам ва далиллар ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга жавоб қайтарилмайди. «Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт.
МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси,32.
ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 136-54-17,
хатлар ва оммавий ишлар бўлими—136-55-58.
Газетани IBM компьютерида Абдирасул НАРМАНОВ саҳифалади.
Навбатчилар: Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Алишер НАЗАРОВ

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20.
ИНДЕКС: 149, 150. Г-0609. Тиражи 24.830. Г. 1 2 3 4 5 6 Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2. «Шарқ» нашриёт матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй
Босишга топшириш вақти -20.00.
Топширилди-19.30.